

“АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ” ВА ҒОЯВИЙ ТАЖОВУЗЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЯТЛАРИ

М. М. Эрназаров

Чирчиқ давлат педагогика университети тютори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ахборот хуружлари ва ғоявий тажовузларнинг йўналишлари ва хусусиятлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: ахборот қуроли, ғоявий таҳдидлар, геосиёсий кучлар, экстримизм, ғоявий бўшлиқ, ахборот уруши, позициясия, ОАВ (оммавий ахборот воситалари).

Оммавий ахборот воситалари энг асосий, қудратли мафкура воситасидир. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий кадриятлар ва умуминсоний кадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади.

Оммавий ахборот воситалари доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Бироқ, охириги 30 йилликда информацион хуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол - ахборотдир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган информацион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи у дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг кўпорувчилик кучи, келтирадиган талафотлари ҳар қандай оммавий қирғин қуролниқидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди, демак инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Аслида, ахборот мақсадга эришишнинг энг арзон воситаси ҳам саналади.

Ҳақиқатан ҳам, информацион хуружлар уюштириш учун у қадар кўп меҳнат, у қадар кўп ҳаракат, у қадар кўп ҳаражат талаб этилмайди. Гарчи бундай мафкуравий экспансия отишмалар ва қон тўкишларни келтириб чиқармаса-да, миллий ўзлиқни англашни заифлаштириш эвазига таназзулга олиб келади. “Ахборот



хуружлари, ғоявий таҳдидлар ва мафкуравий тажовузлар жамиятимизга қандай салбий таъсир кўрсатади?”, деган саволга жавоб беришдан олдин таҳдидларнинг келиб чиқиш сабабларига тўхталсак. Маълумки табиий офатлар асрлар давомида башариятга ўз кучкудратини кўрсатиб, инсониятни бу таҳдидлардан огоҳ бўлишга ундаб келади. Бу табиий офатлар натижасида ўнлаб, юзлаб ва минглаб инсонлар қурбон бўлади. Аммо инсон қўли билан юзага келаётган муаммолар - диний экстремизм, терроризм, сепаратизм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси олдида табиий офатларга қарши кураш масаласи иккинчи ўринга ўтиб қолмоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида совуқ уруш давомида турли тузилмалар вужудга келди. Унинг ниҳоясида етакчи геосиёсий кучлар учун керак бўлмай қолган бундай қуролли гуруҳларнинг ҳомий давлатлар назоратидан чиқиши, жангарилик тизими вужудга келишига сабаб бўлди. Афғонистонда 1980 йиллардан уя қуриб олган мутаасиблар тўдасининг урчиб кетиши оқибатида умумбашарий даражада таҳдид туғдирувчи куч - халқаро терроризм шаклланди. XXI аср ибтидосида ҳам жамият барқарорлиги, хавфсизлигига таҳдидлар мажмуасида мафкуравий таҳдиднинг таркибий қисмига айланган диний экстремизм бош омил ва кенг қўлланилаётган услуб сифатида ўзини номоён қилиб келмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда”. [Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” нутқидан].

Ғоявий таҳдид ва мафкуравий тажовуз – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, мавжуд сиёсий тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи. Улар бунга кишиларнинг диний ва миллий ҳиссиётлардан фойдаланиб, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни рўқач қилиб, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланган ҳолда эришмоқдалар. **МАҚСАД - ИНСОН ОНГИ ВА ҚАЛБИ УЧУН КУРАШ!!!**

Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоён бўлиш хусусиятлари нималарда кўринади?

1. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб бормоқда.

2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви рўй бермоқда.

3. Жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар кучаймоқда.

4. Кўп қутбли дунёнинг мафкуравий тизими тўла барқарорлашмагани аниқ бўлиб бормоқда.

5. Геополитик мақсадлар ва мафкуравий сиёсат уйғунлашмоқда.

6. Ўрта Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар мураккаблашмоқда.

7. Мустақилликни қўлга киритган давлатларда янги мафкуравий тамойиллар аҳамияти тобора ортмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизга қарши қаратилган мафкуравий таҳдидларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улар қуйидагилардан иборат:

- ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишга ўзгартириш;
- қонуний ҳокимият органларига ишончсизлик уйғотиш, уларнинг фаолиятига халақит қилиш ва издан чиқариш;
- сиёсий тузумни конституцияда кўзда тутилмаган бошқа тузилмалар билан алмаштиришга чақириш, яъни, Ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;
- ёш мустақил давлатларни сиёсий ва иқтисодий йўллар орқали қайтадан собиқ Иттифоққа бирлаштириш;
- тарихимиз, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;
- ахлоқсизликни ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга қаратилган интилишлар;
- турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можаролар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Ҳар куни дунёда миллионлаб воқеалар содир бўлади. Аммо кишилар диққатига ОАВ муайян ижтимоий-сиёсий кучлар манфаатидан келиб чиқиб эътибор қаратган масалаларгина ҳавола этилади. Бу уларнинг ҳодисаларни ёритишнинг устувор йўналишларини белгилаб беришини, муайян маълумотларни олиш, талқин қилиш, баҳолаш ва тарқатиш орқали фуқароларда тегишли фикр ва хулосалар шаклланишига хизмат қилишини кўрсатади.

ОАВ орқали амалга ошириладиган ғоявий таъсир ва таъйиқнинг ўзига хос хусусиятлари:

- маълумотлар оқими манфаатдорлик нуқтаи назаридан етказилади;

- мамлакат аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари эътиборга олган ҳолда амалга оширилади;
- ўқувчи, тингловчи ёки томошабинга сездирилмасдан амалга оширилади;
- асосий диққат кишилар онги ва дунёқарашига қаратилади;
- шаклланган кадриятларни ўзгартиришга, уларнинг регуляторлик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга йўналтирилади;
- катта маблағ талаб қилмайди;
- бевосита қурбонларни келтириб чиқармайди;
- қори самара беради.

Ғоявий тазйиқ ўтказиш жараёнида ахборотни узатишда алоҳида эътибор бериладиган жиҳатлар:

- сохта, тўқиб чиқарган ҳолда ҳақиқат сифатида тақдим этиш;
- бир ёқлама тақдим этган, тўлиқ баён этмаган ҳолда бузиб кўрсатиш;
- ўз қараши, талқинини киритган ҳолда таҳрир қилиш;
- керакли ва фойдали бўлган йўналишда талқин этиш;
- муҳим, керак элементларни яшириш орқали етказиш;
- ўз позициясидан келиб чиққан ҳолда воқеа-ҳодисаларга танлаб ёндашиш;
- материални унинг мазмунига мос келмаган сарлавҳа билан номлаш;
- у ёки бу шахс билдирмаган фикрни унга тегишли деб эълон қилиш;
- тўғри ахборотни у долзарблигини йўқотгандан кейин эълон қилиш;
- фикрни тўғри келтирмаган ёки унинг муайян қисмини матндан узиб олиб, ноҳолис ва бирёқлама тасаввур ҳосил қилиш.

Ғоявий тазйиқ ўтказишда қўлланиладиган усуллар:

- ёрлиқлар ёпиштириш;
- ахборотни вақти-вақти билан такрорлаб туриш (маълумотларга кўра 30 дақиқадан кейин ахборотнинг 60%, кун охирига келиб 40%, ҳафта охирига келиб бор йўғи 10% эсда қолади);
- риторик саволлардан фойдаланиш ва миш-мишлар тарқатиш;
- ахборот объекти устидан кулиш;
- ярим ҳақиқатни ёритиш;
- бевосита ёки билвосита ҳужум қилиш;
- ёлғон мақтов ёки танқид ёғдириш.

Интернетда диний экстремистик ғояларни тарғиб қилишнинг ўзига хос хусусиятлари:

- ташкилотнинг мақсади, тарихий ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мазмундаги маълумотларига кенг ўрин берилади;
- террор ва қўпоровчилик ҳаракатлари маънавий-ахлоқий жиҳатдан оқланади;
- террорчилар тинчлик тарафдори қилиб кўрсатилган ҳолда, улар билан курашда ҳукумат тинч йўл билан ҳаракат қилиш лозимлиги асосланади;
- тезкор ахборотлар бир вақтнинг ўзида бир неча тилда берилади;
- террорчиларнинг фаолиятини оқловчи “қахрамонлигини” куйловчи кўшиқлар, клиплар берилади:
- террорчилар куч ишлатиш йўлига гуёки мажбур бўлганлиги асосланади;
- террорчилар “Озодлик курашчилари”, “Партизанлар”, “Қаршилик кўрсатувчилар” сифатида тақдим этилади;
- ҳукумат тарафидан қўлланилаётган усулларнинг “вахшийлиги” ёритилади;
- янгиликлар террорчилар учун фойдали бўлган йўналишда тақдим этилади.

Йирик сиёсатчилардан бири Буюк Британия собиқ Бош вазири Маргарет Тетчер “Оммавий ахборот воситалари террорчилар учун кислород вазифасини ўтайди”, [Интернет маълумоти] деган фикрни айтиб ўтганди. Бу гапнинг маъзани чакқан одам “Оммавий ахборот воситалари террорчилар учун ҳаводек зарур экан”, деган хулосага келади. Бир қарашда бу фикр мантиқсиздай туюлади. Чуқурроқ ўйлаб кўрсакчи? Аслида, террорчилар бир қанча инсонларни шафқатсизлик билан ўлдириш орқали миллионларда кўрқув ва даҳшат уйғотишга интиладилар. Демак, уларнинг мақсадлари ўлдириш эмас, жамоатчиликка кучли таъсир қилишдир. Таассуфки, баъзи оммавий ахборот воситалари ўзлари билмаган ҳолда терроризмнинг бузғунчилик, қўпоровчилик таъсирини янада оширишга “хизмат қилиб кўядилар”. Уларнинг террор оқибатлари ҳақидаги ваҳимали ахборотлари инсонлардаги кўрқувни, даҳшатни, ҳимоясизлик ҳиссини янада кучайтириб юборади. Бу каби ахборотларга қарши аксилтарғиботни уюштириш зарурати туғилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш керакки бугунги глобаллашув шароитида жамиятимизни, айниқса ёш авлодни ахборот хуружлари ва ғоявий тажовузлардан ҳимоя қилиш зарур:

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрь куни Олий Мажлис



палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз” нутқидан.

2. Шавкат Мирзиёев—Эркин ва фаровон, демократики Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” 2017 йил.

3. Охунжон Сафаров Мэлс Махмудов "Оила Маънавияти "Тошкент «Маънавият» 2000й.

4. Ziyonet.uz

5. Интернет нашрлари.

